

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ НАВРУЗ ҚУРБОНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУҒОРИШДА ТУПРОҚ
НАМЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ УСУЛЛАРИНИ ЯРАТИШ**

05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) and
technical sciences**

Муродов Навруз Қурбонович

Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тупроқ намлигининг
ўзгариш динамикаси усулларини яратиш.....

3

Муродов Навруз Қурбонович

Методы установления динамики изменения влажности почвы при
орошении сельскохозяйственных культур.....

18

Murodov Navruz Kurbanovich

Methods of determining the dynamics of changes in soil moisture during
irrigation of agricultural crops.....

33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....

36

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.10.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ ҚОШИДАГИ
ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ НАВРУЗ ҚУРБОНОВИЧ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИНИ СУҒОРИШДА ТУПРОҚ
НАМЛИГИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ УСУЛЛАРИНИ ЯРАТИШ**

05.09.07-Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2017.1.PhD/T.131 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiiame.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Махмудов Илхомжон Эрназарович
техника фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Базаров Дилшод Раимович
техника фанлари доктори, профессор

Буриев Эшмурод Сатторович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.10.02 рақамли илмий кенгашнинг 2018 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-38-79, e-mail, admin@tiiame.uz).

Диссертация билан Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (05 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100000, Тошкент, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тел: (99871) 237-19-45).

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «__» _____ даги 05 рақамли реестр баённомаси).

Т.З. Султанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.А. Янгиев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д.

Э.Ж. Махмудов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш ва сув ресурсларидан тежамли фойдаланиш техника ва технологияларини яратиш муҳим масалаларидан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан тупроқ-грунт намланиш соҳасидаги намликни бошқариш механизмларини такомиллаштириш алоҳида аҳамиятга эга. Бу борада кўпгина мамлакатларда, жумладан Канада, Нидерландия, АҚШ, Россия, Япония, Хитой ва бошқа давлатларда илмий-амалий ишлар амалга оширилган. Бироқ арид муҳитга эга бўлган бизнинг минтақамизда сувни етказиб бериш тизимларида суғориш манбасидан олинadиган солиштирма сув ҳажмига нисбатан 1 га суғориш майдонида самарасиз ишлатилиши: магистрал каналларда ўртача 15% ва хўжаликлараро каналларда 19%, хўжалик ички тармоқларида эса 29% ини ташкил этиши кузатилган.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тупроқ намлигидан ҳамда чучук сув линзаларидаги сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг янги технологияларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий-тадқиқот ишлари олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада, жумладан ирригация каналлари таъсири зонасида шаклландиган чучук сув линзаларининг фазовий чегараларини аниқлаш, бошқариш ва уларни қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тупроқ намланиш зонасида намлик ҳолатини ўзгариш динамикаси усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда республикамызда қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида, ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланишда замонавий ресурс тежамкор суғориш техника ва технологияларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан сув хўжалигидаги ва мелиорация соҳадаги мавжуд илмий-техника муаммоларини ҳал этиш имкониятини яратадиган гидравлик усулларни такомиллаштириш зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, ирригация ва мелиорация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурс тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, унумдорлиги юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш...»¹ вазифаси таъкидлаб ўтилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан сув ресурсларининг танқислиги даврида, қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш ва озиклантириш мақсадида чучук сув линзалари сув ресурсларидан фойдаланишнинг гидравлик усулларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 25 сентябрдаги ПҚ-3286-сон «Сув объектларини муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2013 йил 19 апрелдаги ПҚ-1958-сон «2013-2017 йиллар даврида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларни ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сув ҳавзалари таъсир зонасидаги грунт сувларининг чучукланиш масалалари С.Ф.Аверьянов, П.Я.Полубаринова-Кочина, В.В.Докучаев, А.А.Измаильский, Г.Н. Высоцкий, Е.Принц, Т.Келлер, Н.К.Гиринский, А.Freeze, W.H.Cunningham ва бошқалар изланишлар олиб борганлар ҳамда маълум даражадаги ижобий натижаларга эришилган. Жумладан, Н.К.Гиринский тадқиқотларида чучук сув оқимининг барқарор ҳаракатида комплекс потенциал учун умумий ифода келтирилган ҳамда ҳаракатсиз ҳолатдаги шўрланган грунт сувлари бўйлаб чучук грунт сувларининг стационар ҳаракати учун Дэвисон-Гаммел усули ёрдамида гидродинамик қонуниятлар келтириб чиқарилган. Аммо ушбу усул ўта мураккаб математик кўринишга эга бўлиб, амалиётдаги содда масалаларни ушбу усул орқали ечиш жуда мушкул ва катта хатоликларга олиб келади. С.Ф.Аверьянов, П.Я.Полубаринова-Кочина каби олимлар томонидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилган. Яъни, ирригация каналларидан фильтрацияланаётган сувнинг канал таъсир зонасидаги грунт сувларини чучуклантириш хусусияти каби масалалар яхши ўрганилган.

Коллектор-дренаж тармоқларига тўсиқлар ўрнатиб сизот сувлари сатҳини кўтариш орқали қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш муаммолари билан проф. М.Х.Хамидов, қ.х.ф.д. С.Исаев, қ.х.ф.н. Б.Сувонов ва бошқалар етарлича шуғулланишган. Ирригация каналлари таъсир зонасида шаклланадиган чучук сув линзаларининг фазовий чегараларини аниқлаш, бошқариш ва уларни қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга жалб қилишнинг гидравлик модели, механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб илмий-техник муаммо ҳисобланади.

Бугунги кунда шунга қарамаздан юқорида қайд этилган илмий-тадқиқот ишларида ирригация каналлари таъсир зонасидаги чучук сув линзаларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда жалб қилишнинг гидравлик механизмлари улардан фойдаланиш ва бошқариш усулларини ишлаб чиқиш муаммолари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти қошидаги Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқот ишлари ФА-Ф5-Т125 сон дастурининг “Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришдаги субирригация жараёнларининг гидродинамик қонуниятларини яратиш” (2012-2016) мавзусидаги лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади қишлоқ хўжалиги экинларини суғориш учун ирригация каналлари таъсир зонасидаги чучук сув линзаларидан фойдаланишнинг гидродинамик моделларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

суғориш каналлари яқинида барқарор фильтрация шароитида чучук сув линзалари чегараларининг ўзгаришини ифодаловчи гидравлик моделини ишлаб чиқиш;

гидроморф муҳитда намликнинг вертикал кўчиши ҳолатини ифодаловчи гидравлик моделини ишлаб чиқиш;

грунт сувларининг ностационар ҳолатида гидроморф муҳитдаги гетероген аралашманинг уч ўлчовли фазода ҳаракатланишини ифодаловчи гидравлик моделини ишлаб чиқиш;

тупроқ намланиш зонасида намлик ҳолати ўзгаришини бошқаришнинг гидродинамик моделини ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда чучук сув линзаларидан фойдаланишнинг гидравлик механизмларини ишлаб чиқиш бўйича илмий асосланган тавсия ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги Оби-Ҳаёт хўжаликлараро канали ҳамда унга гидравлик боғланган тажриба участкасидаги 20 дан ортиқ вертикал дренаж тизимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ирригация каналларидаги ҳамда уларнинг таъсир ҳудудидаги тупроқ-грунт намланиш соҳасида содир бўлаётган гидродинамик жараёнларни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида дала ва лаборатория тадқиқотларини синалган услублар, тупроқ-грунтдаги беқарор фильтрация ҳамда бошқарув назариясининг усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

суғориш канали таъсир зонасида чучук сув линзалари чегараларини горизонтал ва вертикал ўқ бўйлаб ўзгариши динамикасини характерловчи гидравлик модел комплекс ўзгарувчилар функцияси усуллари асосида такомиллаштирилган;

гетероген аралашманинг (намлик, минерал ва органик моддалар) конвектив кўчиш усуллари асосида аэрация зонасининг юқори қатламларида сув-минерал-органик аралашманинг уч ўлчовли муҳитдаги миграциясини ифодаловчи гидродинамик модели ишлаб чиқилган;

ер усти ва сизот сувлари ўртасидаги гидравлик боғлиқлик шартлари ҳамда бошқарув назариясининг элементларини қўллаш асосида чучук сув

линзалари ҳолатини ўзгаришини ифодаловчи гидравлик модели ишлаб чиқилган;

конвектив кўчиш усуллари ҳамда бошқарув назариясининг элементларини қўллаш асосида тупроқ намланиш зонасида намлик ҳолати ўзгаришини бошқаришнинг гидродинамик модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ирригация каналлари яқинида шаклланадиган чучук сув линзалари чегаралари ўзгаришини ифодаловчи гидравлик моделлар ишлаб чиқилган;

ирригация каналларидаги сув сатҳини бошқариш орқали чучук сув линзаларидаги сув ресурсларини қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда фойдаланиш имкониятини яратадиган гидравлик усуллари ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда чучук сув линзаларидан фойдаланишнинг гидравлик механизмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва дала лаборатория шароитларида ўтказилган тадқиқотлар натижалари статистик усуллар ёрдамида тизимга келтирилган, назарий тадқиқотлар асосида олинган гидравлик моделларнинг сонли ечимлари, дала ва лаборатория тадқиқотлари натижалари таққосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ирригация каналлари яқинида шаклланадиган чучук сув линзалари чегараларининг ўзгаришини ифодаловчи гидравлик моделлар ишлаб чиқилган, ирригация каналларидаги сув сатҳини бошқариш орқали чучук сув линзаларидаги сув ресурсларини қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда ишлатиш имкониятини яратадиган гидравлик усуллар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ирригация каналидаги тўсувчи иншоот затвори ҳолатини бошқариш орқали канал таъсир зонасида шаклланган чучук сув линзаларини қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга жалб қилишнинг гидравлик механизмлари ишлаб чиқилганлиги билан эътироф этилади, олинган натижалар сув танқислиги шароитида амалиётдаги мавжуд бир қатор масалаларни ечиш имкониятини яратиш билан бирга қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаси учун муҳим аҳамият касб этади. Олинган илмий натижалар сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги, энергетика, табиатни муҳофаза қилиш, экология, лойиҳа муассасалари учун илмий тавсиялар ва ечимлар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда чучук сув линзаларидан фойдаланиш учун такомиллаштирилган усуллари орқали олинган натижалари асосида:

суғориш канали таъсир зонасида чучук сув линзалари чегараларини горизонтал ва вертикал ўқ бўйлаб ўзгариши динамикаси асосида тупроқ намланиш зонасида намлик ҳолати ўзгаришини бошқаришнинг гидродинамик модели Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфига кирувчи Аму-Қашқадарё ирригация тизимлари хавза бошқармасига қарашли “Қарши МК” ирригация тизимлари бошқармасида жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлигининг 2017 йил 28 октябрдаги №04/29-1221-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқилган гидравлик усуллар ёрдамида чучук сув линзалари сув ресурсларини пахта майдонидаги ғўзанинг илдиз тизимиغا етказишга эришилиб, ушбу пахта майдонларга биринчи суғориш учун бериладиган сув ресурсларининг 35 фоизини (26845 м³) тежаш имконини берган;

тупроқ намланиш зонасида намлик ҳолати ўзгаришини бошқаришнинг гидродинамик модели “Ширкент Омонтепа” СИУга жорий этилган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 28 октябрдаги №04/29-1221-сон маълумотномаси). Натижада экин майдонларида тупроқ-грунт намланиш соҳасидаги намликни ўсимлик илдиз тизимиغا етказишга эришилиб, суғоришда сув ресурсларининг 32 фоизини (77851 м³) тежаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари халқаро, республика ва институт миқёсидаги анжуманларда муҳокама қилинган ва маъқулланган, жумладан 2 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та монография нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг Ўзбекистон ва жаҳон миқёсида долзарблиги ва зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилиб, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиқ берилган. Олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўсимлик учун тупроқ намлигидан фойдаланиш масаласига бағишланган илмий тадқиқотлар ва тавсиялар таҳлили”** деб номланган биринчи бобида илмий тадқиқот натижалари, фонд материаллари ҳамда қишлоқ хўжалиги экинлари, шунингдек ғўзани суғоришдаги дала кузатуви жараёнлари таҳлили ва баҳолашга бағишланган.

Ўсимлик учун тупроқ намлигидан самарали фойдаланиш муаммоси тупроқ қатламида намликнинг трансформацияланиш жараёни билан шуғулланувчи мутахассислар, мелиораторлар ва олимларнинг диққат марказида туради, улар илмий адабиётларда яхши ёритилган А.А.Роде,

Н.А.Качинский, С.В.Нерпин, А.Ф.Чудковский, А.В.Погорелов, Е.Н.Киселев, А.Д.Салпагаров, Е.В.Куркина, А.Г.Безбородовларнинг ишларида таъкидланадики, тупроқнинг барча хоссаларига таъсир этувчи хусусияти унинг намлигидир. С.Ф.Аверьянов, Е.А.Ветренко, П.Я.Полубаринов-Кочин, Г.Н.Федотов, Ю.Д.Третьяков, В.К.Иванов, А.И.Куклин, Е.И.Пахомов, А.Х.Исламов, Т.Н.Початкова, B.Nijssen, D.P.Lettenmaier, D.R.Nielsen, I.R.Philipларнинг тадқиқотларида тупроқнинг структуравий хоссасини нейтронлар кичик бурчакли тарқалиши усулида ўрганилганда уларнинг фрактал ташкил этувчилари тадқиқ қилинган ҳамда намликнинг тупроқ коллоидларининг фрактал хусусиятларига таъсири аниқланган.

Тупроқ фрактал ўлчамларининг намликка боғлиқлиги ушбу капилляр-говак муҳитда намликнинг ностационар ҳаракати жараёнига сезиларли таъсир этиши мумкин. Одатда намликнинг тупроқдаги ҳаракати Дарси конунига асосланган ночизикли диффузия тенгламаси орқали моделлаштирилади. С.Ф.Аверьянов, В.М.Шестаков, И.С.Пашковский, А.М.Сойфер, С.В.Нерпин, А.Ф.Чудковский, Г.Х.Исмайылов, Н.Н.Сенцова, А.В.Погорелов, Е.Н.Киселевларнинг илмий тадқиқотларида босимли горизонтлардан бўладиган ўзгарувчан инфильтрацион тўйинишда сизот сувлари сатҳи ўзгариши келтирилган.

W.R.Gardner, A.C.Liakopoulos, N.I.Sensovs, J.Hoogeveen, Shao Mingan, Horton Robert, И.Э.Махмудов, Ф.М.Мирюсуповларнинг тадқиқотларида сув йиғиш зонасидан ташқарида жойлашган участкалардаги ер ости сувларининг мавсумий ўзгариши дарёнинг гидрологик режими билан боғлиқлиги ўрганилган.

Профессор М.Р.Бакиев грунт тўғонларида нобарқарор фильтрация ҳодисасини тадқиқ қилиш жараёнида туриб қолувчи депрессия эгри чизиги ҳодисаси вужудга келишини аниқлади. Ушбу ҳодиса, грунт говакларининг бўшаши жараёни, грунтнинг сув бериш хоссасига ва тупроқ хусусиятларига боғлиқ равишда вужудга келади. Ўтказилган тадқиқотлар натижасида аниқландики, депрессия воронкаси сиртининг пасайиш вақти грунт сув бериш коэффициентининг фильтрация коэффициентиға нисбатига бевосита боғлиқ. Нисбат қанча кичик бўлса, депрессия воронкаси сиртининг пасайиш вақти шунча кам бўлади.


Мавжуд экспериментал ва назарий тадқиқотларнинг таҳлили ва баҳолаш натижалари, назарий жиҳатдан ўсимлик сув таъминотини яхшилаш мақсадида тупроқ намлигидан фойдаланиш механизми етарлича ишлаб чиқилмаган деган хулосага келишга асос бўлади.

Дала ва лаборатория тадқиқотларини ўтказишдан асосий мақсад, тупроқ намлиги ва капилляр намлик ўртасидаги ўзаро гидравлик боғлиқлик, уларнинг ўзаро таъсири каби геогидродинамик жараёнларни ўрганишдан иборат бўлиб, диссертация ишининг иккинчи боби шу масалаларга бағишланган.

Диссертациянинг **“Гидроморф муҳитда грунт сувлари сатҳининг ўзгариши билан боғлиқ намлик кўчиши параметрларини тадқиқ қилиш бўйича дала тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобида дала тадқиқотлари объекти сифатида Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги «Quyі

Вақирчи Оби-Найот» СИУга тегишли суғориладиган участка танланган. Геоморфологик жиҳатдан тажриба участкаси худуди Қашқадарё дарёси қадимги дельтасининг тўртламчи давр ётқизикларидан иборат аллювиал текисликларнинг мураккаб мажмуасидан ташкил топган. Тажриба участкасининг шимолий қисмидан Қашқадарё дарёси, шарқ томонидан эса «Оби-Ҳаёт» хўжаликлараро канали оқиб ўтади. Створ бўйича ер усти сув ўтказгичлари билан кесишган жойларда гидростлар ўрнатилган. Тажриба участкасининг сув режими, суғориш майдонида ўрнатилган 12 та кузатиш майдончаларида олиб борилди. Режимли кузатишлар орқали грунт сувларининг майдон бўйлаб ўта нотекис кўтарилиши кузатилди: тўрт йиллик кузатиш даврида суғориш картаси чегарасида грунт сувлари сатҳи гумбази ва грунт сувлари юзаси депрессиясининг бир неча ўн сантиметрли амплитудаси юзага келди (1-расм).

Дала тажрибалари натижалари асосида инфильтрация намлигининг юза ва чуқурлик бўйича миқдорий тавсифи ўрганилди ва грунтнинг квазитўйинган ва квазитўйинмаган ҳолати нисбати аниқланди. Грунт сувларининг ҳолатини, филтрация тезлиги, аэрация зонаси жинсларининг филтрацион параметрлари аниқланди. Тажриба майдони шароитида аэрация зонасида грунт сувлари режими шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинди.



1-расм. 4 йил ичида босим ўзгаришининг хронологик графиги:

1-тензиометр ўрнатилган жой; 2-босим ўзгариши эгри чизиги; 3-грунт сувлари сатҳи; 4-атмосфера ёғинлари; 5-суғоришлар. Квадратчадаги сонлар – тензиометрлар тартиб рақами

Назарий тадқиқотлар натижасида ишлаб чиқилган гидравлик моделларнинг сонли экспериментини амалга ошириш мақсадида, тажриба майдонида сизот сувлари ва тупроқ-грунт намуналари белгиланган методика бўйича олиниб, лаборатория таҳлиллари амалга оширилди.


Диссертациянинг “Суғориш каналлари яқинида барқарор ва беқарор фильтрация шароитида чучук сув линзалари ҳосил бўлишининг гидравлик модели” деб номланган учинчи бобида суғориш каналлари яқинида барқарор ва беқарор фильтрация шароитида чучук сув линзаларининг ҳосил бўлиш зоналари аниқланган.

Гидроморф муҳитдаги гетероген аралашманинг ихтиёрий икки ўлчовли оқимини тадқиқ қилиш ушбу масалага мос функция характеристикасини аниқлашдан бошланади. Функцияни топгач, масалани ечилган деб ҳисоблаш мумкин. Қўйилган масалага мувофиқ Оби-Ҳаёт хўжаликлараро суғориш канали таъсир зонасидаги ҳудудда инфильтрация ва фильтрация оқимлари ҳаракатини кўриб чиқамиз. Инфильтрация оқими горизонтал ўқ r га нисбатан θ бурчак остида нишабликка эга. Ушбу чизиқ учун қуйидаги тенгламага эга бўламиз.

$$\begin{cases} r \sin \theta = \frac{1}{ik(1 - \exp(2i\theta))} [Q(1 - ik) - i\omega - Q(1 - ik) \exp(2i\theta)) + i\omega \exp(2i\theta)] \\ r \cos \theta = \frac{1}{k(1 - \exp(2i\theta))} [Q(1 - ik) - i\omega + Q(1 - ik) \exp(2i\theta)) - i\omega \exp(2i\theta)], \end{cases} \quad (1)$$

бу ерда: r - кутб радиуси; θ - кутб бурчаги; $\varphi(r, \theta)$ - потенциал функция; $\psi(r, \theta)$ - оқим функцияси. Декарт координата тизимида $x = r \cos \theta$, $y = r \sin \theta$ ифодаланади. $\psi = Q$ эгри чизиқлар оиласи келтирилган бўлиб, улар турли Q да чучук сув линзаларининг эркин сиртини ифодаловчи чизиқлар ҳисобланади.

Дала тадқиқотлари натижалари параметрларини ҳисобга олган ҳолда (1) тенгламалар тизимининг сонли ечими олинди. Сонли ечимлар график кўринишида 2-расмда келтирилган.



2-расм. (1) тенгламалар тизимининг сонли экспериментлари натижалари, хўжаликлараро Оби-Ҳаёт канали таъсир зонасида чучукланиш зонасининг горизонтал чегаралари ўзгариши динамикаси кўрсатилган

Натижада ирригация каналлари таъсир зонасидаги ҳудудларида каналлардан филтрацияланаётган сув ҳисобига чуқукланиш зонаси фронтининг горизонтал ва вертикал ўзгариши динамикасини ифодаловчи гидравлик модел ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг **“Гидроморф муҳитда намлик кўчиши ҳолатини бошқариш гидравлик моделининг сонли ечими”** деб номланган тўртинчи бобида намлик кўчиши ҳолати ўзгаришининг гидравлик моделини (2) сонли ечишда, тадқиқот объектининг параметрларидан фойдаланилди.

$$\theta(\hat{z}, \tau) = \frac{e^{-\gamma\tau}}{\Delta_0} \left\{ \left[\exp\left(\frac{Pe(1-\sqrt{D})}{2}\hat{\psi}\right) - \exp(-\lambda\hat{\psi}) \right] \exp\left(\frac{Pe(1+\sqrt{D})}{2}\hat{z}\right) + \left[\exp(\lambda\hat{\psi}) - \exp\left(\frac{Pe(1-\sqrt{D})}{2}\hat{\psi}\right) \right] \exp\left(\frac{Pe(1-\sqrt{D})}{2}\hat{z}\right) \right\} \quad (2)$$


бу ерда $D = Pe^2 - 4\gamma Pr$, бунда, $Pr = \frac{Pe}{Re}$ - Прандтлнинг диффузия сони, $Re = \frac{u_{фил} l}{\kappa_0}$ - Рейнольдс сони ва $Pe = \frac{u_{фил} l}{\kappa}$ - Пекле сони, $\gamma = 3,5$ ва $\lambda = 1$ - эмпирик коэффициентлар.

Сўриш баландлигининг намликка боғлиқлиги $\psi(\theta)$ турли жинсларда ҳар хил ва у экспериментал усулда аниқланади.


Бизнинг ҳисобларимизда бу боғлиқлик қуйидаги нисбат кўринишида ифодаланган:

$$\psi = 2H_k(1-\theta) + H_0, \quad \bar{\theta} = \frac{\theta - \theta_0}{\theta_m - \theta_0} \quad (3)$$


бу ерда: θ - тупроқ - грунт намлиги; θ_m - тўлиқ нам сифими; θ_0 - максимал молекуляр нам сифимига мос келувчи намлик; H_k - капилляр кўтарилишнинг келтирилган баландлиги; H_0 - тўлиқ тўйинишдаги босим сакраши. Тегишли математик операциялардан сўнг (2) тенгламанинг қуйидаги ечимига эга бўламиз. Улар график кўринишида ифодаланган (3-12-расмлар).




3-расм. 20 см гача чуқурликдаги $\theta(\tau, z)$ функция графиги




4-расм. 40 см гача чуқурликдаги $\theta(\tau, z)$ функция графиги




5-расм. 80 см гача чуқурликдаги $\theta(\tau, z)$ функция графиги




6-расм. 120 см гача чуқурликдаги $\theta(\tau, z)$ функция графиги




7-расм. 5 соат давомидаги $\theta(\tau, z)$ функция графиги




8-расм. 24 соат давомидаги $\theta(\tau, z)$ функция графиги




9-расм. 50 соат давомидаги $\theta(\tau, z)$ функция графиги



10-расм. $\theta(\tau, z)$ функцияси графиги



11-расм. $\theta(\tau, z)$ функцияси графиги



12-расм. $\theta(\tau, z)$ функцияси графиги

Грунт сувларининг ностационар ҳолатида гидроморф муҳитдаги гетероген аралашманинг уч ўлчовли фазода ҳаракатланиши гидравлик моделлаштирилди. Сизот сувлари кўтарилган шароит учун гетероген аралашманинг ҳаракатланиш жараёни кўриб чиқилди. Оху ўқини сизот суви сатҳи бўйлаб ўтказамиз, Oz ўқи эса юқорига тик йўналган. Юқоридагиларга асосланиб гетероген аралашма концентрациясини қуйидагича излаймиз:

$$C(x, y, z, t) = \frac{f(y^2 / y^2)}{\sqrt{2\pi y^2}} \mathfrak{Z}(x, z, t) \quad (4)$$

Тегишли математик операциялардан сўнг қуйидаги ҳолатлар учун ечимлар олинди:


1) *Тупроқ-грунт* - идеал адсорбцияланадиган муҳит $\varepsilon > 0$ да ($\mu = \infty, a = 0$),

$$C_1(x, y, z) = \frac{\exp(-\frac{y^2}{2y^2})}{\sqrt{2\pi y^2}} \mathfrak{Z}(x, z) = \frac{Mz_1}{\kappa_1 x(m + \varepsilon + 1)} \frac{(\frac{hz}{z_1^2})^{\frac{\varepsilon}{2}}}{\sqrt{2\pi y^2}} \exp(-\frac{y^2}{2y^2} - \beta^2 \frac{z^{2\gamma} + h^{2\gamma}}{4x}) \cdot I_{\mu_n}(\frac{\beta^2 z^\gamma h^\gamma}{2x}) \quad (5)$$

2) *Тупроқ-грунт* идеалга яқин муҳит ($\mu = 0, a = \infty$)

$$C_2(x, y, z) = \frac{Mz_1}{\kappa_1 x(m + \varepsilon + 1)} \frac{(\frac{hz}{z_1^2})^{\frac{\varepsilon}{2}}}{\sqrt{2\pi y^2}} \exp(-\frac{y^2}{2y^2} - \beta^2 \frac{z^{2\gamma} + h^{2\gamma}}{4x}) \cdot I_{-\mu_n}(\frac{\beta^2 z^\gamma h^\gamma}{2x}) \quad (6)$$

Тадқиқот объектининг натурадаги параметрларидан фойдаланган ҳолда суюқлик ҳаракати режимини бошқариш бўйича гидравлик моделнинг сонли эксперименти амалга оширилди. Гидравлик моделнинг сонли ечими 13-расмда келтирилган. Бунда дала ва сонли натижалар орасидаги хатолик 3% дан ошмайди.



13-расм. Аэрация зонасидаги намлик ўзгариши динамикасини ифодаловчи гидравлик моделнинг сонли ечими натижаларини дала тадқиқотлари натижалари билан таққослаш графиги

Бошқариш объекти сифатида чучук сув линзаларининг гидрогеологик чегараларини қабул қилганлигимиз сабабли, бошқариш объекти куйидаги дифференциал тенгламалар тизими орқали ифодаланди:

$$\left. \begin{aligned} y &= A(t)y + B(t)u \\ x &= Iy \end{aligned} \right\} \quad (7)$$


$$A(t) = \begin{bmatrix} 0 & 1 & 0 \\ 0 & 0 & 1 \\ a_1(t) & a_2(t) & a_3(t) \end{bmatrix} \quad B(t) = \begin{bmatrix} 0 \\ 0 \\ b(t) \end{bmatrix} \quad (8)$$

бу ерда: x, y - тизим ҳолати векторлари; u_{yn} - суғориш канали затвори ҳолатини бошқариш оператори; I - бирлик матрица.

Шунингдек, мантиқий бошқарув қонуни кўринишидаги ифода олинди:

$$u_{yn} = \begin{cases} k_1 x_1, & \text{агар } \text{sign } x_1 = \text{sign } x_2 \\ k_1 x_1 + k_2 x_2 & \text{агар } |k_1 x_1| > |k_2 x_2|; \\ 0 & \text{агар } |k_1 x_1| < |k_2 x_2|; \end{cases} \quad \text{sign } x_1 \neq \text{sign } x_2 \quad (9)$$

бунда куйидаги шарт сақланиши зарур, яъни $u_{yn} < u_{yn}^{\max}$. Шундай қилиб тўсиқ иншооти учун асосий шарт ўрнатилди. Мантиқий бошқарув қонуни ҳисобга олинган ҳолдаги (7) тенгламалар тизимининг сонли ечимлари натижалари 14-расмда келтирилган.



14-расм. Чучук сув линзаларининг гидрогеологик чегараларининг ўзгариши ҳамда гидротехника иншооти тусувчи затвори ҳолати ўртасидаги боғлиқлик.

Мазкур диссертация доирасида ишлаб чиқилган ер усти ва сизот сувлари ўртасидаги гидравлик боғлиқлик қонуниятлари ҳамда бошқарув назариясининг элементларини қўллаш асосида ирригация каналидаги тўсувчи иншоот затвори ҳолати ва канал таъсир зонасида шаклланган чучук сув линзалари чегараларини ўзаро боғлиқликда ўзгариши қонуниятларини ифодаловчи гидравлик модели ишлаб чиқилди.

ХУЛОСАЛАР

“Қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тупроқ намлигининг ўзгариш динамикасини аниқлаш усуллари” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўтказилган таҳлиллар, экспериментал ва назарий тадқиқотлар натижалари, назарий жиҳатдан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришда тупроқ намлигидан фойдаланишнинг самарали усуллари ишлаб чиқилмаганлиги тўғрисида хулоса қилишга асос яратилди.

2. Сизот сувлари сатҳининг ўзгаришининг турли шароитларида ирригация каналларидаги сув оқимининг гидравлик элементлари, сизот сувлари ҳамда тупроқдаги намлик ўртасидаги боғлиқликнинг гидродинамик хусусиятларини тадқиқ қилиш мақсадида дала ва лаборатория тадқиқотларини бажариш имкониятини берди.

3. Қашқадарё дарёси ҳамда Оби-Ҳаёт хўжаликлараро ирригация канали таъсир зонасидаги тадқиқот ҳудудида тупроқ-грунт намланиш зонасидаги намликни бошқариш имкониятини яратадиган гидравлик модел ишлаб чиқиш мақсадида тадқиқот ҳудудида сизот сувлари сатҳининг ўзгариши динамикаси тадқиқ қилинишига имконият яратилди.

4. Суғориш суви, атмосфера ёғинлари ва ирригация каналидан фильтрацияланаётган сув ҳисобига сизот сувлари сатҳининг ўзгариши натижасида аэрация зонасининг юқори қатламларида сув-минерал-органик моддаларнинг ностационар кўчишини ифодаловчи уч ўлчовли гидравлик модел ишлаб чиқилди. Сув-минерал-органик моддалар концентрациясининг ўсимлик илдизи тизимига етиб келиш вақтини аниқлаш бўйича гидравлик ифода олишга имконият яратилди.

5. Ирригация каналларида сув сатҳи ўзгариши ҳамда ирригация канали таъсир зонасидаги ҳудудларда тупроқ-грунт намланиш зонаси ҳолатини ўзгариши ўртасидаги боғлиқликнинг гидравлик моделлари ишлаб чиқилган. Дала ва лаборатория тадқиқотлари натижалари ушбу гидравлик моделларнинг сонли ечимини олиш имкониятини берди.

6. Суғориш канали таъсир зонасида чучук сув линзалари чегараларини горизонтал ва вертикал ўқ бўйлаб ўзгариши динамикасини характерловчи гидравлик тенгламани ишлаб чиқиш имконияти яратилди.

7. Ер усти ва сизот сувлари ўртасидаги гидравлик боғлиқлик қонуниятлари ҳамда бошқарув назариясининг элементларини қўллаш асосида ирригация каналидаги тўсувчи иншоот затвори ҳолатини бошқариш орқали чучук сув линзаларидаги сув ресурсларидан қишлоқ хўжалиги экинларини суғоришга жалб қилишнинг гидравлик модели ишлаб чиқилди. Тадқиқот объектининг параметрлари асосида унинг сонли ечимларини олиш имконияти яратилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.10.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

**НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ИРРИГАЦИИ И
ВОДНЫХ ПРОБЛЕМ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ИНЖЕНЕРОВ ИРРИГАЦИИ И МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО
ХОЗЯЙСТВА**

МУРОДОВ НАВРУЗ КУРБАНОВИЧ

**МЕТОДЫ УСТАНОВЛЕНИЯ ДИНАМИКИ ИЗМЕНЕНИЯ ВЛАЖНОСТИ
ПОЧВЫ ПРИ ОРОШЕНИИ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ КУЛЬТУР**

05.09.07-Гидравлика и инженерная гидрология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2017.3.PhD/T.131.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте ирригации и водных проблем при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tiame.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Махмудов Илхомжон Эрназарович
доктор технических наук

Официальные оппоненты:

Базаров Дилшод Раимович
доктор технических наук, профессор

Буриев Эшмурод Сатторович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании научного совета DSc.27.06.2017.T.10.02 при Ташкентском институте инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства. (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кори Ниёзий, 39. Тел: (99871) 237-22-67; Факс: (99871) 237-38-79, e-mail, admin@tiame.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института инженеров ирригации и механизации сельского хозяйства (регистрационный номер №05). (Адрес: 100000, Ташкент, улица Кори Ниёзий, 39. Тел: (99871) 237-19-45).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокол рассылки № 05 от «___» _____ 2018 года).

Т.З. Султанов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н

А.А. Янгиев

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н

Э.Ж. Махмудов

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одной из важнейших проблем в мире является повышение плодородия орошаемых земель, создание техники и технологий эффективного использования водных ресурсов. В этой связи особое значение имеет совершенствование механизма управления влажностью почво-грунтов. Во многих странах, таких как Канада, Нидерланды, США, Россия, Япония, Китай и другие этому направлению уделяется особое внимание. Однако в аридном регионе, где развито орошаемое земледелие, наблюдается неэффективное использование воды, забранной из источника в отношении затрат удельного объема на 1 га орошаемой площади: потери в магистральных каналах составляют - 15%, в межхозяйственных - 19% и во внутрихозяйственных каналах - 29%.

В мире ведутся целенаправленные научно-исследовательские работы по разработке технологий эффективного использования почвенной влаги и водных ресурсов, находящихся в пресных линзах. В этой связи одной из важнейших задач является проведение научно-исследовательских работ по установлению границ, управлению образовавшимися в зоне влияния ирригационных каналов линзами пресных вод в целях использования их для орошения сельскохозяйственных культур и разработка методов изменения динамики влажности в зоне увлажнения почвы.

В настоящее время в Республике обращается особое внимание уделяется разработке современных ресурсосберегающих технологий в области сельского и водного хозяйства и эффективного использования водно-земельных ресурсов. Вместе с тем в этом направлении требуется совершенствование приемлемых методов гидравлики при решении мелиоративных задач. В Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2017-2021 гг. подчеркивается «...дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо- и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высоко производительной сельскохозяйственной техники...»¹. В этой связи, важное значение имеет совершенствование гидравлических методов для использования пресных линз грунтовых вод при орошении сельскохозяйственных культур в условиях дефицита водных ресурсов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан» и Постановлениях ПП-3286 от 25 сентября 2017 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы охраны водных объектов», ПП-1958 от 19 апреля 2013 года «О мерах по дальнейшему улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель и рационального использования водных ресурсов на период с 2013 по 2017 годы» и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

¹Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию республики Узбекистан»

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

